ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00205

ФАРИДУДДИН АТТОР ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ҲАҚИДА

Гулчеҳра Неъматовна Наврўзова
Бухоро мухандислик-технология институти профессори

АННОТАЦИЯ

Мақолада буюук мутафаккир Фаридуддин Аттор(1145-1221)нинг “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома” асарларида Хожагон таълимотининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Яссавия тариқатини асослаган Аҳмад Яссавийларнинг устози Юсуф Ҳамадоний (1048, Ҳамадоннинг Бузанжирд қишлоғи – 1141, Марв Туркманистон) ҳақида ёзган ғоялари фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Аттор, “Мантиқ ут-тайр”, Юсуф Ҳамадоний, талаб, истиғно, “Илоҳийнома” ишқ, англаш, тасаввуф, комиллик.

FARIDUDDIN ATTAR'S VIEWS ABOUT YUSUF HAMADONI

Gulchehra Nematovna Navruzova
Professor of Bukhara Institute of Engineering and Technology

ABSTRACT

The article provides a philosophical analysis of great thinker Fariduddin Attor's(1145-1221) ideas about the teacher of the founder of the "Khojagan" doctrine Abdulkhalik Gijduvani and the founder of the "Yassavia" tarikat Ahmad Yasavi Yusuf Hamadoni (1048, Buzandjird Hamadon village - 1141, Merv, "Turkmenistan"), written in the works “Mantic ut-tair” and "Ilohiinoma".

Keywords: Attar, "Mantic ut-tair", Yusuf Hamadani, demand, istigno, "Ilohiinoma", love, understanding, Sufism, perfection.

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс асосларини яратиш учун янгича тафаккурни шакллантириш ва кучли маънавияти сингдириш лозим. Бунинг учун маънавиятимизнинг юлдузи бўлган комил инсонларнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш ва тарғиб этиш яхши самари беради. Маънавиятимизнинг дарғалари бўлган Фаридуддин Аттор ва Юсуф Ҳамадонийлар маънавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00205

меросини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш бу вазифани амалга оширишдажуда муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фаридуддин Аттор ва Юсуф Ҳамадоний маънавий меросларини тадқиқ этиш бу табаррук шахсларнинг ижодидаги янги қирраларни очиш имконини беради. Фаридуддин Аттор асарларининг мустақиллик йилларида таржима этилиши ва насрий ҳамда назмий кўринишда нашр қилиниши халқимизни бу маънавият сарчашмаларидан баҳраманд қиладиган дадил илк қадамлардир. Бу шарафли ишни амалга оширишда тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов ва Маҳкам Маҳмудов ҳамда Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камолнинг хизматлдарини алоҳида таъкидлаш лозим. Аттор ҳақида Ўзбекистонда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таниқли олим Акмал Саидов атторшунослик соҳасида Ўзбекистонда илк қадам қўйдилар [13:384]. Ёш тадқиқотчи олим Муродов Санжар Фаридуддин маънавий меросини илк маротиба фалсафий таҳлил этмоқда [4:273-276, 5:1199-122,6: 34-36, 7:228-230]. Аммо ҳозиргача Фаридуддин Аттор асарларида Бухорода ўзининг машҳур ирфоний мактабини яратган, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавийларнинг устози Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги ғоялари алоҳида ўрганилмаган. Биз бу мақоламизда шу масалани имкон даражасида таҳлил этишни мақсад қилиб қўйдик.

Жаҳоншумул Нақшбандия таълимотининг асоси бўлган Ҳожагонлар мактаби устози Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Шарқда кенг ёйилган Яссавия йўлининг асосчиси Туркистон Шайхул Машойихи Аҳмад Яссавийларнинг устози Юсуф Ҳамадоний таълимотига мустақиллик йилларида махсус эътибор берила бошланди. Бу табаррук инсон ҳақидаги Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг мақомотлари, ўзлари томонидан ёзилган “Рутбатул ҳаёт”, “Одоби тариқат”, “Инсон ва коинот ҳақида рисола” рисолалари Сайфуддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасанлар саъй-ҳаракати билан ўзбек тилига таржима этилиб, нашр қилинди[1:78-87]. Юсуф Ҳамадонийнинг Етти Пир устози эканлигига бағишлаб, монография чиқди. [8:140]. Шунингдек, Абдулхолиқ Ғиждувонийга бағишланган монографияда “Устозга эътироф” номи билан Юсуф Ҳамадоний ҳақида маълумотлар берилди [9:72-77]. Ёш олимлар Нуннунова Гулзода [10:62-65, 11,12:1283-87] ва Барноев Санжар [2,3:390-394] Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ва маънавий меросини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этмоқдалар. Аммо Юсуф Ҳамадоний ҳақида Фаридуддин Атторнинг ғоялари бу китоб ва мақолаларда ҳали ёритилмаган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00205

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фаридуддин Аттор маънавий меросини таҳлил этиш жараёнида биз уни жаҳон тан олган, Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийни руҳлантириб “Лисон ут-тайр” асарини дунёга келишига асос бўлган машҳур “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома” асарларида Шайх Юсуф Ҳамадоний ғоялари, ибратли сўзлари келтирилганини гувоҳи бўлдик.

Фаридуддин Аттор “Мантиқ ут-тайр” фалсафий асарида инсон руҳий камолоти босқичларини қушлар сафари тимсолида баён этиб, уни етти водий сифатида жуда гўзал равишда тавсифлаган. Бу асарда руҳий камолотнинг биринчи талаб [14:173-174, 15:117] ва тўртинчи истиғно водийларини[14:186-187, 15:125-126] таърифлашда Юсуф Ҳамадонийдан ҳикоятлар келтиради.

Фаридуддин Аттор машҳур фалсафий асари “Мантиқ ут-тайр”да Юсуф Ҳамадонийни қуйидагича таърифлайди: “Тариқат рўзғорининг имоми, жон – асрорининг соҳиби, яхшилик, эзгулик бунёдкори”[14:173], “Тариқат йўлидаги чашма, йўлчиларнинг кўрар кўзи эди. Пок сийна, дили бу дунё (хавфу хатарларидан) огоҳ эди[14:186]. Бу тавсифлар кўрсатадики, Фаридуддин Аттор Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли ва маънавий мероси билан яқиндан таниш бўлган.

“Мантиқ ут-тайр” асарида талаб водийси ҳақида Юсуф Ҳамадонийнинг қуйидаги ўгитлари келтирилган: “Басийрат кўзи ҳар қанча узоқ ва баланд-паст жойларни кўра олади. Бу йўлда, яъни талаб йўлида йўқолган Юсуфдан хабар сўраб, дард чекаётган Яъқуб каби интизор бўлиш зарур. Шунда толиб ҳар икки рўзғорда, яъни бу дунё ва у дунё ҳаётида кашфиёт топмаса ҳам, тавҳид асрорини излашдан зинҳор чалғимайди. Мардлар сабрталаб ва меҳнатталаб бўладилар. Аҳли дардлар барчаси сабрли бўладилар. Эй толиб, бу йўлда излаганингни топмасанг ҳам сабр қил, ахир шу йўлни топганингни ўзи етарли-ку.” Юсуф Ҳамадонийнинг бу сўзларидан маълум бўладики, бу улуғ зот Қуръони Каримнинг моҳиятини яхши англаганлар ва “Юсуф” сурасидаги воқеа асосида Яъқуб пайғамбар ўғли Юсуфни дийдори талабида қандай интизорлик,сабру бардош билан талабда бўлиб, муродига етган ва ўғли дийдорини кўриб кўзлари равшан бўлган бўлса, ҳақиқат йўлидаги толиб сабру бардош билан риёзат чекиб, интизор бўлса, албатта муродига етишини таъкидламоқда.

Фаридуддин Аттор “Мантиқ ут-тайр” асарида истиғно водийсини тавсифлашда Юсуф Ҳамадонийнинг қуйидаги сўзларини таъкидлайди: “Дилни ювиш, поклаш Арши аълонинг буюргани ишларидандир. Бу оламда нелар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00205

мавжуд бўлса, яна келгусида бўлган барча нарсалар, абадий ҳаётдан бир зарра, ҳаёт дарёсидан бир қатрадир. Келгуси абадий ҳаётда бу дунёдаги фарзандлар ҳам,бойлик, омад ҳам фойда бермайди. Бу жаҳонда ҳар қандай йўлни босиб ўтиш учун биринчи қадамни (яъни қайси йўлга қараётганингни ўйлаб босиш керак).” Юсуф Ҳамадонийнинг бу ғоялари Абдулхолиқ Ғиждувонийга берган “Назар бар қадам” ўгитларига ўхшайди. “Назар бар қадам” – хар бир қадамга назар қилиб, огоҳ бўлиш, англаб юриш кераклиги ғояси Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган Хожагон тариқатининг саккиз рашҳасидан биридир. Баҳоуддин Нақшбанд кейинчалик бу рашҳани Нақшбандия таълимотининг тамойили сифатида қабул қилганлар.

Фаридуддин Аттор “Илоҳийнома” асарида “Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳикояти”ни келтирган [16:166-167]. Бу ҳикоятда Юсуф Ҳамадоний яна Қуръони Каримда келтирилган “Юсуф” сурасининг моҳиятига тўхталиб, Юсуфни қалби тўла Оллоҳ ишқи билан бандлиги учун Зулайҳога эътибор бермаганини, Зулайҳонинг қалбидаги муҳаббат хам илоҳийлигини таъкидлайди. Бу билан ишқ Оллоҳ амри билан қалбларга тушиши ва бу равиш жуда гўзаллигини таъкидлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, буюк мутафаккир Фаридуддин Атторнинг маънавий дунёсини бойишига Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг муносиб ўрни бор экан. Шунинг учун у “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома” асарларида Юсуф Ҳамадоний ўгитларига алоҳида ўрин ажратган. Атторнинг Юсуф Ҳамадоний ҳақида келтирган фикрларини тўла таҳлил этиб, таълим ва тарбия жараёнида ундан ўринли фойдаланиш юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

REFERENCES

1. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди, 2003. 78-87-б.
2. Барноев Санжар. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон ва коинот уйғунлигига оид таълимоти ва меъёр масалалари. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА). Илм-фан бўлими (электрон журнал) 2020-йил март сони.
3. Барноев Санжар. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг Бухоро ирфоний мактаби ривожидаги ўрни. “Бухоронинг ислом цивилизатсиясидаги ўрни ва унга қўшган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00205

ҳиссаси” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжумани (видео конференсия) Материаллари тўплами. Бухоро: 2020. 390-394-бетлар.
4. Муродов С. А. Ибн Сино, Аттор ва Навоий асарларида қушлар тимсоли. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент: 2009. №4. 273-276-б.
5. Муродов С.А. Фаридуддин Аттор ижодида муҳаббат тадқиқи// “Тафаккур зиёси” илмий-услубий журнал. Жиззах. 2019. №1. 119-122-б.
6. Murodov Sanjar. The views of Fariduddin Attar on being.// International journal of applied research. IJAR 2020; 6 (6) . P. 34-36. (№23; SJIF 7, 001)Copernicus
7. Murodov Sanjar. Problem of priority of morality and education in society in works of Fariduddin Attor.// EPRA International Journal of Research and Development. Vol.5. ISSUE: 8 August 2020. P. 228-230. (№23; SJIF 7, 00)
8. Наврўзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний етти пирларнинг табаррук устози. (монография) Т.: Nashir-PRESS, 2016. 140 б.
9. Наврўзова Г. Н. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази”, 2020. 108 б.
10. Nunnanova G.B. Yusuf Hamadoni is the founder of the Central Asian school of sufizm. Научно методический журнал “Academy”№6(57).июнь 2020 62-65 с.
11. Nunnanova G.B On the views of Yusuf Hamadani in his treatise on Man and the Universe. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) Vol 9, Issue 12, December, 2020
12. Nunnanova G.B. Teachers and followers of Sheikh Abu Yaqub Yusuf Hamadani ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 10, Issue 12, December, 2020 1283-87 p
13. Саидов А., Атторшунослик. Фаридуддин Аттор тафаккури хазиналари.../ А. Саидов; масъул муҳаррир М. Кенжабек. – Т.: “Sharq”, 2013. – 384 б.
14. Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Кириш сўзи ва форсчадан тарж. Н. Комилов., М.Маҳмудов. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 248 б.
15. Шайх Фаридуддин Аттор. Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. /Асрорнома. Форсийдан Жамол Камол таржимаси Масъул муҳаррир А. Самад. - Т.: “Tamaddun”, 2012. 9-156-б.
16. Шайх Фаридуддин Аттор. Илоҳийнома. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Т.: “Musiqa” нашриёти, 2007. 397 б.